



**ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА**  
**ПРОСПАН®**  
**PROSPAN®**

**Препаратнинг савдо номи:** Проспан® форте

**Таъсир этувчи модда:** Печак баргларининг қуруқ экстракти

**Чиқарилиш шакли:** Йўталга қарши вишилловчи таблеткалар. 2 та вишилловчи таблетка перфорация қилинган стрипга бириктирилган; 10 таблеткадан ёки 5 стрипдан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон кутида.

**Таърифи:** Мармарсимон доғли жигарранг, бўлувчи рискали думалок таблеткалар. Эритилганда ширин апельсин таъмли, сарғимтир-яшил рангли бироз тусланувчи эритма ҳосил бўлади.

**Таркиби**

1 вишилловчи таблетка сақлайди:

**Фаол модда:** печак баргларининг қуруқ экстракти (5-7,5:1) – 65 мг, экстрагент: этанол 30 ҳажм %

**Ёрдамчи моддалар:** сувсиз лимон кислотаси, натрий гидрокарбонати, сувсиз натрий карбонати, маннит, симетикон, натрий сахарини, натрий цикламат, натрий цитрати, сорбит, ўртача занжирли триглицеридлар, макрогол глицеролгидроксистеарати, ароматизатор.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Балғам кўчирувчи воситалар.

**Фармакологик хусусиятлари**

Ўсимликлардан олинадиган препарат. Балғам кўчирувчи, муколитик ва спазмолитик таъсир кўрсатади. Балғамнинг қовушқоқлигини камайтиради ва унинг кўчишига ёрдам беради.

**Қўлланилиши**

Препарат юқори нафас йўллари ва ўпканинг йўтал ва балғамни ажралишини бузилиши билан кечувчи яллиғланиш касалликларини даволашда, балғамни кўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат ичга қабул қилинади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга 1 таблеткадан эрталаб ва ½ таблеткадан кечқурун (суткада 97,5 мг печак баргларининг қуруқ экстракти), 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга - ½ таблеткадан кунига 2 марта (печак баргларининг қуруқ экстракти 65 мг) буюрилади.

Таблеткалар эрталаб (кундузи) ва кечқурун қабул қилинади.

Қабул қилишдан олдин таблеткаларни сувда (тахминан 100-200 мл сувда) эритиш лозим.

Таблеткаларни эритиш учун ҳам иссиқ, ҳам совуқ сувни ишлатиш мумкин.

Даволаш курси касаллик симптомларининг характери ва оғирлигига боғлиқ бўлади.

**Ножўя таъсирлари**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

Юқори сезувчанлиги бўлган пациентларда кўнгил айнаши, қусиш ва диарея каби меъда-ичак бузилишлари кузатилиши мумкин.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик, болалик ёши (6 ёшгача).

**Дориларнинг ўзаро таъсири**

Ҳозирги вақтгача номаълум.

**Махсус кўрсатмалар**

Ҳар бир таблетка 6,58 ммоль (ёки 151,33 мг) натрий сақлайди. Буни натрий ионлари чекланган (натрийнинг миқдори кам/ош тузининг миқдори кам бўлган) парhezида бўлган пациентлар инобатга олишлари керак.

Таблетка таркибидаги ароматизатор лактоза сақлайди (1 таблеткада 29,7 мг).

Галактозани туғма ўзлаштираолмаслиги, лактоза танқислиги ва глюкоза-галактозани сўрилиши суст бўлган пациентлар препаратни қабул қилмасликлари керак.

Фруктозани ўзлаштираолмасликда даволашни шифокор билан маслаҳатлашгандан кейин ўтказиш керак.

1 таблетка 0,03 нон бирлигини сақлайди, буни қандли диабетни бўлган беморлар эътиборга олишлари керак.

**Ҳомиладорлик ва лактация вақтида қўлланиши**

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкинлигини аниқлаш мақсадида текширишлар ўтказилмаганлиги туфайли, препаратни фақат шифокор билан олдиндан маслаҳатлашгандан кейингина қўллаш мумкин.

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтганидан кейин ишлатилмасин.

**Дозани ошириб юборилиши**

Кундалик буюрилган дозадан аҳамиятли юқори (3 мартадан ортиқ) дозани қабул қилиш кўнгил айланиши, қусиш ва диареяни чақиритиши мумкин. Бундай ҳолларда пациент шифокорга мурожаат қилиши лозим.

**Сақлаш шароити**

25°С юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**

Энгельгард Арцнаймиттель ГмбХ&Ко КГ.,

Херцбергштрассе, 3, Д – 61138 Нидердорфелбден, Германия